

Ўзбекистон  
касаба  
уюшмалари  
Федерациясида  
куну тун  
фаолият  
кўрсатадиган  
қисқа  
рақамли

2024-yil 6-avgust,  
seshanba

№ 99  
(5007)

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

1211

(Ishonch telefoni),  
яъни  
«Call-center»га  
мамлакатимизнинг  
турли ҳудудларида,  
олис ва чекка  
қишлоқларида  
яшаётган  
хотин-қизлар  
ўз муаммолари  
бўйича исталган  
вақтда мурожаат  
қилишлари  
мумкин.



## «РАССРОЧКА»дан ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

«Ishonch» ракурси



Бугунги кунда жуда кўпчилик «Муддатли тўлов» деган занжирга боғланиб қолмоқда. Деярли ҳеч ким бунинг зарари ҳақида ўйламапти. Жозибадор реклама билан харидорларни ўзига оғдираётган дўкандорлар маҳсулотларини ўтказиб олиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортишмаяпти.

### УНУТМАНГ:

«рассрочка» савдоси ҳеч қачон сизнинг фойдангизга бўлмайди. Дўкон маҳсулотни, улақолса, нақдга сотиш мумкин бўлган нархда бермайди;

бу маҳсулотлар сотувдан кейинги ондаёқ нархи кескин тушадиган тоифадан бўлади. Ҳоҳ телефон бўлсин, хоҳ техника, эртасигаёқ камида 20 фоиз қийматини йўқотади;

диний жиҳатдан бу савдо ҳалол, дея тарғиб қилинади. Аммо ҳалол нарсаларнинг ҳаммаси ҳам фойдали эмас. Тасаввур қилинг,

қўй ёғи ҳалол. Лекин қон босими юқори одам иссиқ кунда уни еса нима бўлади?;

«шошлинг», «Арзон нархлар», «Сўнги имконият» дейилган рекламалар сафсатадан ўзга нарса эмас. Ишонинг, кейин ҳам нарх ошиб қолмайди. Маҳсулот қиймати кўтарилмайдиган бўлса, сотувчи уни арзонга берадиган даражада аҳмоқ эмас;

«рассрочка»га имзо чекаркансиз, сиз келажакдаги кўпчиликнинг, ҳали қилмаган меҳнатингизни, ҳали кўрмаган

даромадингизни тикасиз. Инсон умрига эса ҳали ҳеч ким қафолат бермаган;

маҳсулотни муддатли тўловга олибоқ деярли ярим нархига сотиб юборадиганлар ҳам борки, уларни энди овсар дейишдан бошқа илож йўқ;

энг муҳими, ҳали бирор камбағал муддатли тўлов ва кредит ортидан бўйинган, барака топган эмас. Буларнинг бари йўқсизнинг сўнги чақасига чақоштириб олиш, холос.

«Пул йиғолмасам, шуни бирдан ололмасам, нима қилай?» дейиш - оғизлар иши. Модомки, пул йиғишга иродангиз, молиявий саводхонлигингиз етмас экан, кейинчалик кўпроқ маблағни тўлашга қайси ақл билан рози бўласиз?

Аброр ЗОХИДОВ  
«ISHONCH»



## МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ҚАРШИ ҲАММАСИ

яқин ўтмишдаги 1 август хотиралари

Шерзодхон  
ҚУДРАТХЎЖА,  
Журналистика  
ва оммавий  
коммуникациялар  
университети  
ректори

Яқин-яқингача 1 август келса, барчанинг юраги така-пука бўларди. Азим кент пойтахтимизда шу кун, гўёки ҳаёт тўхтаб қолгандек туюларди.



Нуқтаи назар

Ёзги соғломлаштириш

Ҳадемай оромгоҳларда болажонларни дам олдиришнинг тўртинчи мавсуми якунланади. Аммо фарзандлари таътилда кўпроқ мароқли ҳордиқ чиқаришини истовчи ота-оналар талабидан келиб чиқиб, ҳозир дам олиш масканларимизда бешинчи мавсум очилишига ҳам пухта тайёргарлик қуриляпти.

### «КАМАЛАК»ДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР

Албатта, бу бежиз эмас. Вилоятнинг энг чекка ва баҳаво ҳудудида жойлашган «Навай» оромгоҳига бўлган талаб ҳар йилгидан кўра анча орди. Янгикўрган туманидаги ушбу дам олиш масканига ёзги мавсум давомида 1600 нафар бола қамраб олинмоқда.

Умумий майдони 10 гектардан ортиқ бўлган оромгоҳ 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб «Камалак» деб номланган. Камалакда етти хил ранг бўлса, ушбу ҳудудда бир куннинг ўзига табиатнинг етти хил мўъжизасини кузатишнинг имкони борлиги инobatга олиниб, шундай аталган бўлса керак-да!

Оромгоҳда 24 та бино ва иншоот бўлиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари 2013 йилда амалга оширилган. Ҳар бир мавсумда 400 нафарга яқин болани дам олдириш имконига эга бўлган масканда болалар учун барча шароитлар мавжуд: кутубхона, тиббиёт хонаси, спорт майдонлари, ошхона, ётоқхона...

Ун икки кун мобайнида ўғил-қизларга ҳам ота, ҳам онадек меҳр кўрсатиб кела-

Мухаммадзокир  
МАМАТХОНОВ,

Болаларнинг дам олишини  
ва соғломлаштирилишини  
ташқил этиш  
департаментининг  
Наманган вилояти  
бошқармаси бошлиғи

Шаҳар ҳар тарафлама ёпилар, эрта тонгдан уяли алоқа воситалари деярли ўчирилди. Интернет «ўларди». Устига-устак, оддий одамларда ваҳима уйғотиш учун бўлса керак, кўчаларда оғир зиркли ҳарбий маҳсус техникалар пайдо бўлиб, қора никобли аскарлар автомат қўтариб юришлари, бу гўёки террорчилар таҳдиди бор дегандек таассурот уйғотарди. Чекка туманлар ва олис қишлоқлардан келган абитуриентлар ўз давлатининг севимли пойтахтига эмас, ўзга юртнинг қаҳри қаттиқ имтиҳон полигонига келиб қолгандек ҳис қилишарди ўзларини, барчага хатто нафас олиш оғирлашарди... Шу билан бирга, бу сана уни бир

йил кутадиган баъзи учарларнинг кунини эди. Яъни, картошка пишиқчилиги ёки ҳосил байрами, деб аталарди. Кимлар учун хурсандчилик, яна кимлар учун аламли кун бўлар эди. Бир неча йиллар мобайнида олий таълимга қабул жараёнларидаги ноҳақликлар, турли «ўйин»ларни кўпчилигимиз билар эдик, аммо ҳеч қаерда лом-мим дея олмасдик.

Энг ачинарлиси, қатта ҳаётга қатта умидлар билан қадам қўётган ёшлар бу ноҳақликларни кўриб, шундан ўтишга мажбур эканликларини таълимдаги фожиамиз эди. Кўчаларда кўз-кўз қилинаётган шовқинли ҳушёрликдан фаркли равишда, ОТМ ҳудудидаги сокин «бункерлар»да барчанинг тақ-

дири ҳал бўларди. Олдиндан «саломалик» қилганларнинг иши беш, улар бюджетга илиниши учун баланд баллар кўйиларди. Аммо бунинг оқибатида ўқиган, билимга чанқоқ ёшлар баллари сунъий равишда тушиб кетарди. Ўқиниша қира олмаган қора кўзларимиз ичкарида иш тополмай, ўзга юртларда қора ишларни бажаришга мажбур бўлишарди ва бунинг асоратлари ҳали-ҳанузгача сезилади.

1 август кунини олий ўқув юртларига ўқиниша киритиш учун «қатта армиянинг тўлиқ тарқибини» ишлар эди. Ректор рўйхати, алоҳида гуруҳлар шакллантирилди эди. Булар учун барчаси VIP, кейингиси бункерлар тизимининг энг асосий оғир артиллерияси, яъни фанлар блогининг ўқитувчилари жамланган хона, ўқитувчилар бир кун олдин бу хонага барча шароитларни ҳал қилиб, муҳрлаб, қулфлаб қўйилар эди. Бункерга ишни етказишда фаол иштирок этувчилар - маҳсус етказувчилар тест маркази бино бошлиғи, қаватлар раҳбарлари, назоратчи ўқитувчилар ҳамда университет ҳодимлари. Жараёнлар эса турли усуллар орқали бошқариларди. Қайсидир аудиториянинг тартиб рақамлари охириг парталарга жойлаштирилди. Бир хил рангдаги кийимлардан, дастурмоллардан ёки тест варақасида хатолар мавжудлигини фойдаланган ҳолда ишлар олиб чиқилиб, бункерга етказилиб, ишлаб, қайта олиб кириб берилар эди.

Бу жараён 2015-2016 йилларда ўзининг энг юқори чўққисига чиққан, деярли 80-90 фоиз ишлар бункерларда амалга оширилган. Қолган учарлар эса шпаргалка, телефон ёки кузатувчи мақомида кириб, ҳеч бўлмаганда, битта блокни ишлаб чиқиб кетишарди.

Яна бир қўл келадиган усул - бу «паравоз»лар эди. Ақлли калла атрофида уч-тўрт нафар абитуриент бирлаштирилди, бунда ҳам, албатта, тартиб рақамлари ёнма-ён қилиб ёпиштирилди. Тасаввур қилинг, 1 августнинг ўзига қанча механизмлар ишлатилар эди.

Нимага эришдик, ёшларимизга адолатни кўрсатдикми? Билимни ёшлар қилиб, билимсизларга йўл очдик, табиийки, қабул квотаси ҳам сунъий равишда оширилмай, 2016 йилгача 9 фойзлик кўрсаткичда ушлаб турилди. Бунинг натижасида жуда кўп-кўп ёшларимиз Ўзбекистонни тарқ этишди. Олий таълим тизимига бўлган ишонч йўқолиб борди.

Бугун эса бундай ҳолатлар йўқ. «1 август» ўз «қадрини» йўқотган. 2017 йилдан бошлаб, олий таълим муассасаларига қабул жараёнлари тубдан ислох қилинди. Ўтган етти йил мобайнида ёшларнинг олий таълимга қамраб олиш 9 фоиздан 43 фоизга етказилгани ҳамда қабул жараёнларидаги турли ноҳақликларга барҳам берилгани бугунги кунимизнинг ёрқин воқеаликларидан бири десак, адашмаймиз. Мавжуд 67 та ОТМ сони 215 тага етди.

Бу йилги қабул жараёнларидаги ўзгаришлар ҳам, энг аввало, таълим сифатининг ошишига туртки бўлади. Чунки абитуриентлар олдида танлов мавжуд, ҳар бир юқори балл тўплаган абитуриент, энг аввало, таълим сифати ҳамда техника базаси юқори бўлган олий таълим муассасасини танлаши табиий. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим муассасаларининг таълим сифатини оширишга қаратилган ҳақиқий пойгадан далolat беради. Шунингдек, рақобат, энг муҳими, адолат ва ҳалоллик пайдо бўлаётганидан яққол дарақарди!



www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz\_official







◆ **Касаба уюшма фахрийлари**

# ГУЛЧЕЧАКЛАР УНДИ ИЗЛАРИНГИЗДАН

### ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ ҲИСОБЛАНМИШ САМАРҚАНД МЕҲРИДАРЁ ИНСОНЛРСИЗ БУ ҚАДАР ЮЗ ОЧАРМИДИ, ШОНУ ШАРАФЛАРГА БУРКАНАРМИДИ? УЛУҒЛАРИ ВА УЛУҒВОР БИНОЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ ОЛАМГА КЕТАРМИДИ? ШУНДАЙ МЎТБАБАР ИНСОНЛАРДАН БИРИ МАРЯМ ШОДИЕВАДИР.

Хатирчи туманида Бахриддин ака ва Робия опа оиласида дунёга келган қизалоқ кичиклигиданоқ жиддий, меҳнатсевар, онасига ёрдамчи, укаларига меҳрибон бўлди. Мактабда фақат аъло баҳоларга ўқиди. Онаси Робия опа ҳаётдан кўз юмганда Марям ўн уч ёшда, Фарход 12 ёшда, Раъно тўрт ёшда, кичкинтой Муҳаббат 11 кунлик эди. Бир йилга етмай, оғир жудолик ўти Бахриддин акани ҳам ҳаётдан олиб кетди.

Қайғуларга тўла қисмат бир лаҳзада оиланинг тўғичи Марямнинг елкасига оғирдан-оғир харсанчларини юкляди. Ўн уч ёшли қизалоқ уч норасиданинг ҳам отасига, ҳам онасига айланди.

Яхшиямки Нафиса холаси, онасининг яхшичилигини кўрган кўшнларини бор экан, Хатирчининг яхши одамлари бор экан. Ҳали мактабнинг еттинчи синфида ўқиётган ўн уч ёшли Марямга меҳнат дафтарчаси очилди ва Хатирчи МТС телефониест-каси деган ёзув тушди. Уч йил ишлади. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, мактаб кутубхонаси мудираси, сўнг бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. Унинг фаоллиги ва билимдонлигини кўрганлар туман комсомол қўмитасига биринчи котибликка таклиф қилишди.

Марям Хатирчи тумани партия қўмитасининг идеология котиби бўлиб иш бошлаганида 26 ёшда эди. Ҳаётга ўзига хос қарашлари, сермулоҳаза бўлгани туфайли вазифасига катта масъулият билан ёндашиб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлди.

Сўнг Самарқанд вилояти партия қўмитасининг агитация-пропаганда бўлими бошлиғи ўринбосари, вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби бўлганида ҳам халқ олдиди бунчаларини унутмади. Аввал Самарқанд давлат университетини тугатган бўлса, кейинчалик Олий партия мактабиди билимининг ошириди. Самарқанд тумани кенгаши ижроия қўмитасининг раиси вазифасида беш йил ишлади. Укаси ва сингиллари ҳам олий маълумот олишга эришди. Ҳаммасини уйли-жойли қилди.

Самарқанд вилояти касаба уюшмаларининг раиси сифатида ўн йил фаолият олиб бориш Марям Шодиёва ҳаётининг зар билан битилган саҳифалари бўлди. Катта ҳаётий тажрибага эга бўлиб, узоқ йиллар одамлар билан мулоқотда бўлгани ишга киришиб кетиши учун кўл келгандир, деган савол билан боқамиз опага.

– Албатта, тажрибалар кўл келди, аммо осон кечгани йўқ. Меҳнатқашларни ижтимоий муҳофазалаш тўғрисида вилоят раҳбарияти билан битим тузиб, унинг ижросини мунтазам назорат қилиб боришни республикада биринчи бўлиб таомилга киритдик. Одамларга ях-

шилиқ қилишим керак, деган ақида кўл келди. Бор биланларимни ишга солдим.

Москвада Марказий банк бошқаруви раиси қабулига кириб, Нурбулоқдаги Ибн Сино сихатгоҳини куриш учун пул ундириб келгани ҳақида ҳам сўраймиз.

– Муस्ताқилликдан бир йил аввал эди. Киришим билан нега бунча кеч келаётганимни сўради. Соат кечки тўққиз эди. Навбатим келганини кутганимни, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятиданлигимни, касаба уюшмалари қўмитаси раиси эканимни, Советобод (ҳозирги Нуробод) тумани Нагорний (ҳозирги Нурбулоқ) посёлкасида родонли шифобахш сув чиққанини, бу сув бел, оёқ оғриқларини даволашини, ўша ерда сихатгоҳ қуриш кераклигини, родонли сув аёлларнинг оёқ, бел оғриғига даво бўлишини айтдим. Марказий банк бошқаруви раиси ёрдамчисини чақириб, молиялаштиришни буюрди. Уларнинг қўлида 1000 ўринлик сихатгоҳ лойиҳаси бор эди. Ишларни бошлаб юбордик, аммо фақат 200 ўринли бинони қуришга улгурдик.

– Шу тарихка касаба уюшмаси қошида «Тадбиркор аёл» ассоциациясини очганиз биринчилардан бўлиб журъат этгансиз-да?

– Ҳа, қўли гул, ҳунарманд аёлларимизнинг меҳнатини юзага чиқариш, уларни бирлаштириш бирламчи вазифага айланди. Вилоятимиздаги раҳбар аёлларни ўйга, таклифимни айтдим. Фикрим маъқул келди. Ҳаммалари ўн минг сўмдан пул ёрдам беришди, мен ҳам уюшмамиздан юз минг ажратдим. Бино топиб бердим. Тадбиркор аёлларимиз иши гурқираб кетди. Қарздор олинган пуллари қайтарилди.

– Йиғлаганингниз ҳеч ким кўрмаган, ҳатто ортингиздан «Темир хитин» деб ҳам айтади. Шундайми?

– Нима ҳам дердим: 13 ёшимдан укаларимга бош бўлиб, йиғлагига вақтим бўлмади. Азар мен йиғласам, улар додлар эди. Йиғламасликка, чора топшига ҳаракат қилдим. Аммо бир марта... Истиқлолнинг дастлабки йили эди. Пул топсам, нон топилмас, нон топсам, пул топилмас кунлар бўлди. Туманларга бориб, одамларнинг ҳолидан хабар оламиз. Бир ночор оилага олиб боришдик. Кўрдим: ейишга нони, уйда моли йўқ. Беш боласи жасадираб турибди. Эракнинг боши эзилган, елкалари чиққан. Аёлнинг кўзлари тўла ёш. Эракнинг қўлига пул бериб, дўконга юбордим. Бир халта ўн, ўн кило, ёғ, ўн кило шакар олиб келинглар, дедим, ёнига вақилимини кўшиб. Қолган пулга болаларга мактаб кийими, дарсликлар олиб беришдик, дедим. Егуликларни машинадан туширишдик. Эрак хўнграб йиғлади.

Машинага ўтириб, тезроқ ҳайда, узокроққа, одам йўқ жойга ҳайда, дедим. Овозим борича ўқиб йиғладим. Балки ўзимнинг дардларим ҳам кўшилиб кетгандир... Узоқ йиғладим...

– Уша кунлари ҳар кун, ҳеч кимга айтмай, уюшмамиздан бир жомадон пул ва ариза бланкаларини олиб, туманларга чиқиб кетардим. Қўлдан берганга қуш тўймайди, дейишса ҳам, йиқилганини сўяб турардик.

– Дойм янги ишлар ташаббускори бўлиб юрдигиз...

– Самарқандни кўришни орзу қилмаган ким бор? Дунёни таниганлар бу юртга интилади. Туризмни ривожлантириш мақсадида 16 қаватли «Турист» меҳмонхонасини қурдик, ўн икки хонадонли уй қуриб топширдик. Аслида, касаба уюшмалари – катта куч, жамият қаддини суяб тургувчи мустақам таянч. Бугунги даврга келиб, унинг қудрати янада ошди. Ҳамма вақт, ҳамма жойда инсон қадрини, ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Соғлом ҳаёт учун курашади.

Вилоят Бўвизжонлар мактабининг раҳбари, нурунийлар фаоли Гулбаҳор Хусайнова Марям орани сира тинчтмайди. Қаерда тадбир ўтказилса, ёшлар билан мулоқот бўлса, онанинг маслаҳатларини олишади, унинг ҳаётий тажрибасига таянишади.

Ҳа, Марям онадан яхшилик кўрганлар кўп. Умри эл хизматида ўтганини билгувчилар ва қадрловчилар бисёр:

**Гулрару барқ урган бўстонсиз, опа, Гулчечаклар унар изларингиздан. Одамлар тилида достонсиз, опа, Кўнгул шифо топар сўзларингиздан.**

**Сизсиз қанча диллар хароб бўларди, Қанча адашганлар тополмасди йўл. Сизсиз эзгуликлар сароб бўларди, Кел, деб юксакликдан чўзмасангиз қўл.**

**Сиз севган дунёга келмайдиди малол, Қўлиб давру даврон суршиларингиз. Йўли ҳам, дили ҳам, қўли ҳам ҳалол, Париларга ўхшар туршиларингиз.**

**Давралар сиз билан мукамал, кўркам, Ақду меҳр ила ҳаммага бошсиз. Юртини деганлар юзга қираркан, Сиз ҳали саксон беш, жуда ҳам ёшсиз!**



**Ҳосият БОБОМУРОДОВА,**  
Самарқанд халқаро технология университети профессори, шоира



◆ **Кузатув**

# АЙРОНЧИ КА

**У кишини илк бор кўрганымда, хаёлимдан «Эркак кишига ярашадиган иш қилса бўлмасми-кан?» деган ўй ўтган эди. Чунки тоғни урса, талқон қиладиган бу одам... айрон сотарди.**

Бир кун яна унга кўзим тушди. Гулистон шаҳридаги марказий кўчада дугона билан кетаётгандик. Норғул, бақувват бу одам кўча бўйида айрон сотиб ўтирган экан. Беҳитиёр хаёлимдан яна ўша савол ўтди: «Эркак кишига ярашадиган иш қилса бўлмасмикан?»

Дугона «Юр, айрон ичамиз», дея кўярда-қўймай айрончи ака томон йўл бошлади. – Бизга ҳам айрон беринг.

Айрончи ака бизни эшитмади. Кейин англадикки, у гунг эди... Дарахтга илинган белгида сотувчининг қулғи эшитмаслигига ишора бор эди. Имконияти чекланган одамлар орасида тирикчилик учун тиланчилик қиладиганлар ҳам кўп. Бу одам бошқа йўлдан бориб, айрон сотаяпти.

Мен Айрончи аканинг ҳаёти, турмуш шароити ва оиласига қизиқиб қолдим.


Сўраб-суриштириб билганим шу бўлдики, ҳозир қирқ ёшга тўлган бу кишининг исми-шарифи Фарход Эсонқулов экан. 15 йилдан буюн Гулистон кўчаларида айрон сотиб, рўзғор тебратар, оилада 8 нафар киши яшар экан. Афсуски, хонадонда кўпчиликнинг имконияти чекланган, рўзғор юқини асосан Фарход ака тортар экан. Унинг 63 ёшли онаси Мавлуда ая уйда тўшакка миҳланган бир ўғли ҳамда ногирон набираларига қараб ўтираркан. Онахон саҳар туриб, турли юмушларни бажариб бўлгач, қайнаган сувни совутиб, сузма ҳамда бошқа кўшимча маҳсулотларни айрон тайёрладиган ускунага соларкан. Шарбат билан гўжани қўлдан ўтказиб, ўғлига етказиб бераркан.

– Фарздларим учун ишлаймак, улар учун яшайман, – дейди онахон. – Биласизми, эндигина тили чиқаётган болага она бу дунёни тушунтиришга ҳаракат қилади. Мен эса халигача шундай қиламан...

Айрончи Фарход ака кўча ёқасидаги салқин ичимликлар сотиладиган راستага боргач, энг аввал, атрофни обдон саранжомлаб, сўнг нарсаларини сотишга тайёрлайди. Кунига 200-250 минг сўм ишлади. Унинг ўз миқдорлари бор, яъни шу атрофдаги хайдовчи ва дўкончилар.

Яна билганим шу бўлдики, Фарход ака меҳнат қилиб, оиласини боқаяпти. У ҳаётдан нолимайди, шукр қилади. Меҳнат ва ҳалолликда ҳикмат кўплигини яхши англайди.

Бу эркак кишига ярашадиган иш, тўғрими?



**Диёра РАВШАНОВА**  
«ISHONCH»

## ◆ **Мурожаат**

# ФАРЗАНДЛАР РИЗҚИ ҚИЙИЛМАСИН

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Хотин-қизлар муаммолари бўйича 12 11 ишонч телефони» юртимиз аёлларидан келиб тушаётган мурожаатларни қабул қилиш ва қисқа муддатларда ижобий ҳал этишининг муҳим воситаларидан бирига айланиб бормоқда.**

Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи Назоқат Тўраева «Ишонч телефони»га мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи Ҳазратқул Мажидов билан қонуан ажрашганини, ўртада 5 нафар фарзанди борлигини, аммо собиқ эри гўдаклар учун алимент тўламаётгани, бу борадаги қарздорлиги 10 миллион сўмдан ошиб кетганини билдирган эди. Шунингдек, фуқаро бу борада Республика МИБга ҳам мурожаат қилгани, лекин ижобий натижага эриша олмаганини айтганди.

Мурожаат ўрганиб чиқиб ва ҳал этиш учун Бош прокуратура ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросининг Сурхондарё вилояти бошқармасига юборилди. Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам, фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судининг қарздор Х.Мажидовдан ундирувчи Н.Тўраеванинг фойдасига беш нафар

воёга етмаган фарзанди таълимининг Узун туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида яшовчи Назоқат Тўраева «Ишонч телефони»га мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи Ҳазратқул Мажидов билан қонуан ажрашганини, ўртада 5 нафар фарзанди борлигини, аммо собиқ эри гўдаклар учун алимент тўламаётгани, бу борадаги қарздорлиги 10 миллион сўмдан ошиб кетганини билдирган эди. Шунингдек, фуқаро бу борада Республика МИБга ҳам мурожаат қилгани, лекин ижобий натижага эриша олмаганини айтганди.

Касаба уюшмалари ҳодимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Х.Мажидовдан Н.Тўраевага 11 миллион 570 минг сўм пул маблағлари тилхат асосида ундириб берилди.

**Чора ЖУМАКУЛОВ**  
«ISHONCH»



◆ **Таассурут**

## «ҒАЗАЛКЕНТ»ДАГИ ДИЙДОРЛАШУВ

– Ўшанда тенгдошларим билан турли-туман қизикарли ўйинлар ўйнаб, турли тўғарақларга қатнашгандим. Шу боис бу йил ҳам «Ғазалкент»га келишга аҳд қилдим ва мақсадимга эришдим... Ўзбекистон Энергетика, нефть-газ

ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Тошкент вилояти ИЭС ишчи-ҳодимларининг 140 нафар фарзанди болаларнинг нафас йўллари, асаб ва таянч-ҳаракат ти-

зимини яхшилашга ҳам хизмат қиладиган «Ғазалкент» оромгоҳида ёзги таътилни марокли ўтказишмоқда.

**Эъзоза УМУРЗОКОВА**  
«ISHONCH»  
Муаллиф олган сурат

«Invest Finance Bank» АЖ Заңгиота филиали молия муассасаси балансиди булган, Тошкент вилояти, Заңгиота тумани, «Тўқимачи» МФЙ, М.Набиев кўчасиди жойлашган 46-уй сотиллаётганини маълум қилади. Талабгорлар мазкур кўчмас мулкни сотиб олиш учун «Invest Finance Bank» АЖ Заңгиота филиалига мурожаат қилишлари мумкин. Манзил: Тошкент вилояти, Заңгиота тумани, Мустақиллик кўчаси, 2-уй. Телефон: (97-724-91-92), (70-975-29-71).

«BRAVO INVESTMENT» МЧЖ (СТИР): 302 693 387 устав жамгармаси 159 484 393 сўм 38 тийиндан 94 484 393 сўм 38 тийинга камайитирилётганини маълум қилади. Талабар Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М.Ашрафий кўчаси, 103А уй манзили бўйича юборилиши мумкин. \* \* \* «GREEN TV» МЧЖ (СТИР): 302 996 279 устав жамгармаси 3 050 473 894 сўм 42 тийиндан 2 850 473 894 сўм 42 тийинга ка-

майтирилётганини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Жарқўрган кўчаси, 4-уй манзили бўйича юборилиши мумкин. \* \* \* Тошкент шаҳрида 16.02.1993 йилда Саипова Муяссар Абдухалиловна номига берилган хонадонга эғалик қилиш ҳуқуқини берувчи №08-02/12572 рақамли давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

**МУАССИС:**  
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**  
ISSN 1690-1000  
2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуат ва ахборот агентлигида 116-раам билан о'yxatга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – Ishonch), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – Ishonch-Доверие)

Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** J. Nahanov

**Musahhhilar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdullajilov

**Bosishga topshirish vaqti** – 23:00  
**Topshirildi** – 23:20

**Bahosi kelishilgan narxda**  
**Manzillimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahiflandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Umumiy adadi 34 226 ta**

**Shundan: 7 150 nusxasi**  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

**18 677 nusxasi**  
«Erudit» MCHJ boshmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

**8 399 nusxasi**  
«Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uйда chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma ta'baq. **Buyurtma G-811**  
1 2 3 4 5 6